# ФОШ ЭТИШНИНГ КАЛИТИ–ТАФАККУР

*Китобингизни ўқидим*

**Файзулла Қиличев**
**«Бургут чангалида...»**
**детектив қиссалар, ҳикоялар**
***«Адолат» нашриёти, 1998***



Детектив асар воқеалари жуда катта мантиқ асосига қурилмоғи ва унинг моҳияти теран фалсафий тафаккур кўмагида очилмоғи лозим. Ана шундагина асар жиноят хусусида ёзилган лавҳа, бадиий ва ҳужжатли очерклардан фарқ қилади, чинакам бадиий асар даражасига етади. Таниқли ҳуқуқшунос, ёзувчи Файзулла Қиличевнинг «Бургут чангалида» номли китобига кирган қисса ва ҳикоялар айни шундай хусусиятга эгалиги билан китобхонни мамнун этади. Маълумки, «детектив» атамаси лотинча: фош этиш, инглизча: очилиш, жосус, деган маъноларни англатади. Бундан кўринадики, мазкур жанрдаги асарлар воқеалари бирор жиноий ишнинг фош этилишидаги саъй-ҳаракат асосига қурилади. Албатта, шунинг ўзи билан чекланиб қолинмайди, балки жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, моҳиятини, ижтимоий-социал асосларини ҳам очиб бериш талаб этилади. Шундагина бундай асарлар жамиятни энг хавфли иллатлардан фориғ қилишга, инсон қалбининг, руҳининг иллатлардан тозаланишиға, бир сўз билан айтганда, маънавиятга хизмат қилади. Китобдаги асарларни ўқиганда муаллифнинг мазкур жанр талабини жуда яхши ҳис этганига гувоҳ бўламиз.

Китобдаги биринчи қисса «Йўлбарс териси ёпинган тулкилар» деб номланган. Қисса Ўзбекистонимизда яқин ўтмишда бўлиб ўтган воқеалардан ҳикоя қилади. Воқеаларнинг кечиши, қаҳрамонларининг фаолияти шунчалик танишки, қиссани ўқиш жараёнида китобхон унда чиндан бўлган воқеаларнинг ёзувчи бадиий тўқимасига маҳорат билан уйғунлашиб кетганидан қониқиш ҳосил қилади. Мушоҳада қила туриб, масаланинг моҳиятини, яъни асардаги воқеалар ёзувчининг ҳаётий ҳодисалардан чиқарган катта бадиий умумлашмаси эканлигини, республикада шўро тузуми инқирози арафасида рўй берган ва авж олган жиноятларнинг асл илдизининг қаердалигини англаб етади. Бу масала қиссада полковник Пирсов, Лаптев каби амалдорлар образи орқали инкишоф қилинади. Милиция майори, лейтенант мундиридаги тўда бегуноҳ одамларнинг меҳнати эвазига топган бойликларини сариёғдан қил суғургандек, таҳдид ва қўрқитув воситасида шилиб кетишади ва сувға тушган тошдек, изсиз ғойиб бўлишади. Ҳар бир нарсанинг ибтидоси билан бирга интиҳоси ҳам бўлгандек, мазкур тўда фаолияти ҳам якунини топади. Жабрланган Бекпўлатовнинг ўз қисмати ҳақида милицияга мурожаат қилиши, оғир жиноятларни тергов қилиш бўйича Ортиқбой Қосимов раҳбарлигидаги махсус «Чақмоқ» деб номланган тергов-қидирув ишининг тадбирли ва ташкилий жиҳатдан ғоят пухта олиб борилиши натижасида Бугаев раҳбарлигидаги тўда қўлга олинади. Қиссанинг иккинчи қисмида воқеа-ҳодисаларнинг шиддатли ривожи эмас, балки мантиқий тафаккур ҳаракати етакчилик қилади. Бошқача айтганда, воқеалар тизими, йўналиши детектив жанр талаби ўзанига тушади.

Шерматжон иш юзасидан мулоҳазаларини раҳбари капитан Мамаюсуф Мирзаевга айтгач, жиноятнинг туб илдизи бир қадар ойдинлаша бошлайди. Бироқ кўп ўтмай Мирзаев ўлдириб кетилади. Бу ҳодиса бир томондан Шерматжонни хушёр торттирса, бошқа тарафдан устозининг руҳи олдидаги бурчни бажаришга маънавий даъват бўлиб хизмат қилади.

Шерматжон ҳар бир воқеани, энг кичкина деталигача тафаккури элагидан ўтказади, хулосаларига мантиқий далиллар, асослар топгач, бир тўхтамга келади ва амалий ишга киришади. Мирзаев иши бўйича терговни республика прокуратураси тергов юритиш бошқармасининг бошлиғи Лаптевга топширилади. Бу ишга унинг ўта лоқайдлиги Шерматжонда шубҳа уйғотади. Синчков ходим одатига кўра, фикр-ўйларини батамом мазкур шубҳани асослашга йўналтиради. Орадан кўп ўтмай Шерматжон Мирзаевнинг ўлдирилишига доир материаллар — сўроқ баённомалари, экспертиза хулосалари ва бошқа маълумотлар билан Лаптев қабулига кирганда, у бу материалларга қайрилиб ҳам қарамайди, телефонда ким биландир «боши ёрилгудек бўлаётгани, тезроқ ишхонадан «арқонни узиш» кераклиги» ҳақидаги гапини давом эттиради. Телефондан бўшаган чоғда ахборотини давом эттирмоқчи бўлган Шерматжонга бепарволик билан: «буларни қўятур, бошқа гап чиқиб турибди», дейди ва Шерматжонга бугун бир жойга бориши, шунга совға тайёрлашини буюради. Кечқурун совғани кўтарган ҳолда Лаптев айтган жойга боришгач, Шерматжон хонадон эгаси полковник Савелий Пирсовни кўрганда, ўзининг дедуктив методи асосида ясаган хулосалари асосли эканига тўла ишонч ҳосил қилади. Айниқса, залга кираверишда, эшик олдидаги кулранг айиқ терисига, унинг чап биқинидаги ўқдан қолган из-тешикка кўзи тушганда, жиноятчиларнинг раҳнамоси ва Бугаевнинг сирли ўлими сабабчиси кимлигини аниқ ҳис қилади. Зеро, тери Отахоновнинг уйидан Бугаевлар тўдаси томонидан олиб кетилган айиқ териси эди. Бундан ташқари, хонадаги қимматбаҳо буюмларнинг кўпчилиги унга таниш эди. Лекин Пирсовни жиноятчи сифатида дарров қўлга олиш осон эмас...

Ф. Қиличев айни шундай вазият, ҳолатлар тасвирида ҳуқуқшунос, файласуф ёзувчи сифатида иш кўради: ҳар бир детални мантиқан мустаҳкам асослайди, кўл етмас жиноятчиларнинг жиноятларни фош қилиш йўлларининг реал далилларини қонунлаштиради. Оқибатда халқнинг бошига қатағон солган десантчиларнинг ниқоби шилиниб, уларнинг ҳақиқий башаралари очиб ташланади. Муҳими, қиссада республикамизда 80-йилларда рўй берган адолатсизликларнинг, қуролли жиноятчиликнинг асл илдизи, моҳияти таъсирчан кўрсатиб берилгани, «катта оғалар»нинг шайтон ҳам лол қоладиган найрангларидан барчани огоҳ этганидир. Асардан, ўз навбатида, мустақиллик халққа нима берди, деган саволга табиий жавоб келиб чиқади, ҳурриятимиз моҳияти чуқур англашилади. Қисса воқеалари, унинг замирига сингдирилган ёзувчи ғояси бунга имкон берадики, асарнинг ижтимоий-сиёсий қиммати ҳам худди ана шундадир.

Маълумки, жиноятнинг фош этилиши, адолат тантанасининг калити тафаккурдадир. Тафаккурнинг асоси эса бой, теран билимдир. Ҳар қандай касб эгаси, касби бўйича профессионал билимга эга бўлмаса, ундан жамият наф кўрмайди, кишилар қалби ундан шикаст топади. Қалби шикаст топган инсон одамларга ишончини йўқотади, ҳаётга лоқайд қарайди. Лоқайдлик иллатларни юзага келтиради. Китобдаги «Занжир» қиссасида ана шу ҳаётий ҳақиқат воқеалар силсиласи, қаҳрамонлари фаолияти воситасида асослаб берилган.

Қисса жиноят тасвири билан бошланади: икки киши бир одамнинг бошига алланарса билан уриб, уни сувга ташлаб юборишади. Жиноятни очиш терговчи Халиловга топширилади. Бироқ у ишни мутахассисга хос синчковлик, чуқур тафаккур асосида эмас, нарса ва ҳодисаларнинг зоҳирий асосига суянган ҳолда иш кўради. Яъни жиноят содир бўлган жойга борган мотоцикл маркасига, ўлимдан олдин бўлган жанжалга, уйдан топилган болтага орқа қилиб, марҳум Оқназаровнинг собиқ хотинининг эри, бегуноҳ Арниёзовни қўлга олади. Ўзи эса гўё жиноятни тезда очганидан мамнун бўлади. Лекин вилоят терговчиси Муроджон Азизовнинг билими, чуқур мулоҳаза билан ишга киришиши туфайли адолат қарор топади. Боз устига Оқназаров билан боғлиқ равишда яна савдо базаси директорининг қотили ва қабристондаги эски қабрларни сотиш операцияси ҳам фош этилади.

Азизовнинг жиноятни фош қилиш йўлида олиб борган ишлари, ҳар бир ҳодиса таҳлилига тафаккури инкишофини ўқиган китобхон рўй бераётган воқеаларнинг таҳлилига беихтиёр кириб кетганини ўзи сезмай қолади. Демак, қисса кишини хушёр торттиради. Бу эса, иллатларнинг, жиноятларнинг олдини олишнинг, жиноятчи жазосиз қолмаслигига ишонтиришнинг кучли асосларидан биридир. Қиссанинг ижтимоий, ахлоқий қиммати, маънавият тарбиясидаги аҳамияти ана шундадир.

«Мўйна пўстин» қиссасида Ғарб детектив асарларидан бизнинг миллий детективимиз кескин фарқ қилишини кўрамиз. Чет эл детективларида ёзувчининг жиноятга муносабати аниқ бўлмайди, жиноятни фош қилиш йўлида полициячиларнинг кўрсатган жасорати, топқирлиги тасвири етакчилик қилади, муаллифнинг жиноятга муносабати сезилмайди. Қолаверса, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил этилмайди, балки жиноятчиларнинг кирдикорларига қизиқиш эътиборда тутилади. Бунинг қандай оқибатларга олиб келиши аён. Ф. Қиличевнинг асарлари жиноятни шафқатсиз қоралаши, жиноятчиларга нисбатан нафрат уйғотиши билан муҳимдир. «Мўйна пўстин» қиссасида Темиржоннинг ёлғиз онасидан жудо қилингани, кимсасиз қолган уйга сиғмай, унга киришга юраги бетламай, узоқларда ишлаб юриши, қайғу чекишини ўқиган китобхон жиноятчиларга бефарқ бўлолмайди. Айни пайтда мунгли, изтиробли тақдир тасвири жиноятчилар қалбига ҳам таъсир кўрсатиб, уларда шафқат туйғусини уйғотиши мумкинлигига киши ишонади.

Ф. Қиличевнинг детектив жанр йўлидаги маҳорати ҳикояларида ҳам кўринади. «Бургут» ҳикоясида Ҳумоюн бобо меҳрибон аёлидан айрилгандан сўнг, ёлғиз қолади. Нимагадир одамлар ҳам уни ёлғизлатиб қўйишади. Унинг бирдан-бир суянгани, ҳамдарди бургут бўлиб қолади. Ягона ўғлининг тақдирига ҳам атрофдагилар бефарқ қарайдилар. Оқибатда ўғил ўқиш ўрнига маишатга берилади, нашавандга айланади ва пулларига эга бўлиш йўлида отасини ўлдиради. Ҳумоюн чолнинг ўчини олган бургут унинг кўзларини ўйиб, ҳалок қилади. Бургут образида теран рамзийлик бор.

Жиноятчилар анойи эмас, улар ўта айёр, ҳушёр, ҳатто қонунларни ўзлаштирган бўлишади. Буни ҳис қилмаслик кишига панд бериши мумкин. «Қўрқув» ҳикояси ана шундан сабоқ беради. «Чалпак ёққан кун» ҳикояси эса жамиятдаги энг катта иллат — порахўрликни фош қилишга бағишланган.

Китобга жуда топиб, рамзий ном қўйилган. Маълумки, бургут ҳушёр, мағрур, жасоратли қуш. У қасд қилганидан қайтмайди. Демак, жиноятқорлар ҳам қисса қаҳрамонлари М. Мирзаев, Ш. Холматов, О. Қосимов, М. Азизов каби бургут хусусиятига эга бўлган диёнатли, ўз ишига фидойи кишилар чангалидан қутулиб қололмайдилар. Бу ҳақиқатдир.

Китобга киритилган асарлардаги воқеа-ҳодисалар қурилиши, сюжет тизими, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати тасвири шуни кўрсатадики, муаллиф кейинги асарларида ҳаётий мантиққа ва психологик детерминизм талабларига янада жиддий эътибор бериши лозим. Қиссаларда айни шу жиҳатдан сакталиклар учрайди. Умуман олганда, мазкур тўплам ўзбек детектив адабиёти тараққиётига қўшилган муҳим ҳиссадир.

**Ҳакимжон КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**



**Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ**

# ОЛАМ ЯРАЛГАНДИР ЭЗГУЛИК УЧУН

* * *

*Имом бўлиб келмишлар Хўжа Исмойил,*
*Иймон олиб келмишлар Имом Бухорий.*
*Қопқаларни катта очинг ёронлар-ей,*
*Истиқлол деб келмишлар Имом Бухорий.*

* **

*Бухорий Бобожон, Бухорий Бобо,*
*Юртни кезинг фариштамонанд.*
*Саҳиҳ инсон, аз рўйи савоб,*
*Қурдик Сизга бир Боғи Баланд.*

* * *

*Зувалам йўғрилган қора тупроқдан,*
*Тупроқдир мен учун асл ноёб маъдан.*
*Нурман деб дуч келма тавқи лаънатга,*
*Тупроқни кўзга сурт тупроқ бўлмасдан.*

* * *

*Фариштага қиёс қиларлар мени,*
*О! Фаришта бўлиш эмасдир осон!..*
*Малоик юрибди ортимдан, инон,*
*Одам бўлсайдим деб бақадри имкон.*

* * *

*Мурод ҳосил бўлар, муддао кам-кам,*
*Тавба-тазарруни қилмагил канда.*
*Азиз, мукаррамсан, сарвари олам,*
*Шафқатинг бор қадар мўминсан, банда.*

* * *

*Нажот истаюрсан, истайсан нажот:*
*Яхшиликка юр, манманликни от.*
*Оллоҳ мададкордир, Оллоҳ буюк зот,*
*Ўзи ҳожатбарор — Қозиюл Ҳожот.*

* * *

*Олам яралгандир Эзгулик учун,*
*Эзгулик тилсимин очабер, инсон.*
*Намойиш этгайсан Ақлнинг кучин,*
*Қабоҳат ёмондир, қабоҳат ёмон.*

* * *

*Ёмонларга ҳамроҳ бўлмангиз ҳаргиз,*
*Эзгуликка чоғлан, одамзот.*
*Салавот айтаман, эй умри азиз,*
*Ҳар бир нафасингга минг бир ҳасанот!*

* * *

*Яхшилик қилишга қолмаса илож,*
*Ёмонлиқ қилишдан тийил, нари қоч.*
*Бу ҳам ҳимматдандир, ҳам қиёмат қарз,*
*Виждон азобидан бўласан ихрож.*

* * *

*Кори хайр вобаста қутлуғ ниятга,*
*Дунё янгиланар, покланар юрак.*
*Қўлингдан келмаса Тоғни кўпормоқ,*
*Сангтарошга тила бир яхши тилак.*

* * *

*А? Рақиб кўп? Наҳот мусибатдир бу?*
*Наҳотки кимлигинг уларга боғлиқ?*
*Нотавон кўнгилга кўтир жомашув,*
*Бордан бор бўлару, йўқдан бўлмас йўқ.*

* * *

*Дерлар: кўпдир душман битта бўлса ҳам,*
*Бўлса ҳамки ожиз, митти, хору хас.*
*Юз нафар бўлса ҳам бил:*
*дўстларинг кам...*
*Лек ҳаёт донолар анжуманимас.*

* * *

*Юзта сохта дўстдан бир душман афзал,*
*Магарам бўлса у ўзига содиқ.*
*Сен бетамиздан қоч, тақдири азал*
*Қилиб қўйган бўлса уни мунофиқ.*

* * *

*Ғанимга тилайман тавфиқ ва рағбат:*
*У бор экан, мен ҳам қаторда борман.*
*Кутмайман ҳеч қачон ёғийдан шафқат,*
*Яхшига яхшиман, ёмонга ёмон.*

* * *

*Нега мухолифдан қўрқишим керак*
*Агар ўзим бўлсам бенуқсон, биллур?*
*Уни маҳв этмаклик лозимми бешак?*
*Менга бегонами инсоний шуур?*

* * *

*Ғанимим бисёр деб чекаверма ғам,*
*Рақиб ҳам керакдир жўмард инсонга.*
*Иссиқ-совуқни ҳам кўргайсан баҳам:*
*Заҳардан йўғрилар шифобахш малҳам.*

* * *

*Одамлар тоабад топар эътибор*
*Нечоғлиқ орттирган душмани қадар.*
*Бўлса гар мухолиф сенда юз нафар,*
*Демак, минг бор зўрсан,*
*соҳиб музаффар.*

* * *

*Сассиқ алаф, чирмовуқни экмаслар,*
*Ўзи чиқар тошу тузни таталаб.*
*Олчоқларга энтикиб кўз тикмаслар,*
*Қўрқма, юрсинлар гўрингга ғишт қалаб...*

* * *

*Дўстинг душман бўлар, сақлаб*
*юрсанг кин,*
*Душман дўст бўладир, агар дўст тутсанг.*
*Ўзинг баднафс эсанг, бўлавер амин:*
*Кўзинг тўймас ҳатто наҳангни ютсанг.*

* * *

*Ҳар нимарса борки тансиқ, сафоли,*
*Тириклик маскани, иқбол хаёли.*
*Ташвишланма жўра, аё Ғайбуллоҳ:*
*Дунё эмас дўсту душмандан холи.*

# «СОҲИЛ БЎЙЛАБ ЧОПАЁТГАН «ОЛАПАР»

*ТВ пермералари*

Ўзбекистон телевидениеси ходимлари уч оқшом Чингиз Айтматов қаҳрамонларини бир зум хонадонимизга олиб келгандек бўлдилар. Иродали, ақл-заковатли, саховатли, юксак ҳис-туйғуларга ҳамиша, ҳар қандай шароитда содиқ қоладиган Орган (артист С.Соҳибов), Эмрайн (арт. М.Кимсанов), Милхун (арт. Б.Исломқулов) билан учрашганимизда ҳаёт-мамот ва бурч, инсон зеҳни, мураккаб руҳияти, ушалмаган орзулари, мурувввати ҳақида ўйлашга яна бир бор зарурият сездик. Видеофилмдан эстетик завқ олдик, фалсафий ўйларга бериldик, гўзалликнинг ёрқин ифодаси инсонда, унинг қалбида эканлигини бу гал ҳам кўрдик. «Соҳил бўйлаб чопаётган «Олапар» каби мураккаб асарларни экранлаштиришга журъат этаётган телевидениенинг ижодий ва техник ходимлари изланиши давом этаётганига яна ишонч ҳосил қилдик.

Воқеалар, фожиа денгизда танҳо сузиб борган қайиқда содир бўлади. Олапарни эслатувчи тоғ жинсими, тепаликми, ҳар қалай, Кирискнинг эшитмайдиган, кўрмайдиган бу дўсти савлат тўкиб турганида атроф-муҳит тинч, осойишта кўринади. Довул келиб, сув ва шамол тўлқинлари қайиқларни, овчиларни бесаранжом қилганида, фавқулодда қалин туман тушиб, борлиқни зимистонга айлантирганида, денгиз дўстдан душманга айланади. Атрофни зулмат қоплаган дамлар видеофилмнинг марказий эпизодларини ташкил этади. Ҳаётида биринчи марта очиқ денгизга, овга чиққан ёш Кирискни ҳалокатдан қутқариб қолиш учун уч паҳлавон жонини фидо этиши жараёни намоён бўла боради. Бу матонатли кишиларнинг руҳий ҳолатига таъриф беришда режиссёр аввало ижрочилар имкониятидан фойдаланган. Артист С.Соҳибовнинг қаҳрамони Орган ўзини тутиши, доно сўзларни айтиши, ҳаёт тажрибасига таяниб иш кўриши, қўрқув билмаслиги билан ажралиб туради. Милхун ролидаги Б.Исломқулов Айтматов қаҳрамонининг саховатини, эҳтиросини, оғир синовларга бардош бериб, довулдек зулмат балоси олдида тиз чўкмай, ёш Кириск ҳақида ўйлашини, уни омон сақлаб қолиш учун ўзини жаҳаннамга отишини тасвирлайди. М.Кимсановни эса кўпроқ Эмрайннинг ўз фарзанди — Кирискка бўлган оталик меҳр-муҳаббати жўшган дамларида кўрамиз. Ота ўғлини — ўз авлодининг келажагини ўйлаб, қайиқни аста-секин тарк этиши, туман, шўр сув, зулмат ичра ғойиб бўлиши кадрлари таъсирчан. Қаҳрамоннинг кўз ёшлари, меҳрли нигоҳи ҳам, алами ҳам, фалсафий мулоҳазалари ҳам ёдимизда қолади.

Видеофилм ижодкорлари Айтматов яратган матнга катта ҳурмат билан қараганлари ва ундан кенг фойдаланишга уринганлари сезилади. Қаҳрамонларга, атроф-муҳитга таъриф беришда қисса саҳифаларига суянилган. Айтматов қаламига мансуб сўз, ибора гоҳ кадрда (актёрлар талаффузи, диалог назарда тутилмоқда), гоҳ кадр ортида (муаллиф номидан артист Иноғом Одилов ўқиган матн) янграб туради. Худди шу матндан келиб чиқиб, видеофилмнинг композицияси белгиланган: қиссадаги воқеалар асосан сақланган, айрим саҳифаларгина тушиб қолган. Мизансаҳналарни белгилашда, тасвир яратишда ҳам шу йўлдан борилган. Шу ўринда кадр ортидаги изоҳ, таъриф, бадиий таҳлил кўп ўринда қаҳрамонларнинг мураккаб дунёсини намоён этишга кўмаклашганини қайд этиш баробарида, баъзан кадрда айтиладиган сўзлар видеофилм эстетикасига мос келмаслигини ҳам айтиш лозим. Дастлабки кадрларда Органнинг қайиқ ёнига келиб, унга мурожаат этиши, унга қараб сўз айтиши шартли белгилардан ҳоли бўлган бу телеасарнинг бадиий тўқимасига мутлақо ёт кўринди. Баъзан худди шу қаҳрамоннинг ҳикояси, насиҳатлари, тасвир ила таърифланган муҳитни сўз билан ҳам ифода этиши ортиқча туюлди. Актёр Собиржон Соҳибовнинг қиёфаси шу даражада таъсирчан, мазмунликки, айтиладиган сўзга, баъзан диалогга ҳам эҳтиёж қолмайди.

Тасвирга келсак, рассом Шокир Ўрмонов, оператор Акмал Сулаймонов режиссёр билан ҳамкорликда ишлаб, студияда денгиз, туман, қайиқ ва ундаги тўрт қаҳрамонни кўрсатишда техник, овоз, электрон монтаж имкониятларидан унумли фойдаланганликлари кўзга ташланади.

Айтматов қиссасида таърифланган воқеаларда фақат тўрт денгиз қаҳрамонигина эмас, қора булут каби фавқулодда келган ва атрофни чулғаб олган туман, тиним билмаган денгиз, қайиқдагиларга узоқлардан мўралаб турган юлдузлар ҳам фаол иштирок этиб, бадиий образлар даражасига кўтарилиши лозим эди. Ҳозирча улар актёрлар ролларни ижро этадиган жой, қаҳрамонлар мурожаат этадиган объект сифатида намоён бўлган. Шу боис ҳам видеофилмнинг сўнгги кадрларида Кириск замонавий моторли қайиқда ғолибларча сузиб юришини кўрсатиш лозим топилган. Қиссадаги Кирискнинг кечаги куни, йўқотган дўстлари ҳақидаги лирик-фалсафий қўшиғи юзага кела бошлаши, юлдузлар ва яна бир мусаффо тонг ҳақидаги ўйлари, уларга мос келадиган сермазмун тасвирга имкон бўлмаган.

Шундай қилиб буюк замондошимиз, забардаст адиб Ч.Айтматовнинг етук қиссаларидан бири ўзбек юртида кичик экран нурини кўрди. Бу ҳолни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Чунки москвалик айрим журналистлар бу ёзувчининг асарлари эндиликда ўзга санъатлар вакилларининг эътиборидан қолганини айтганларидан хабаримиз бор.

Чингиз Айтматов билан суҳбатларимиздан бирида, «Соҳил бўйлаб чопаётган «Олапар»да кино, кинодраматургиянинг таъсири кучли, атроф-муҳит билан қаҳрамонларнинг ҳолати чамбарчас боғлиқ.., деган мулоҳазани билдирганимизда, Чингиз Тўрақулович шундай дегандилар:

— Ёқут театри бу асар бўйича спектакл яратибди. Бу мен учун кутилмаган воқеа бўлди. Уни Чикагога олиб бориб кўрсатишди. Пиеса ва спектакл нима сабабдан бунчалик қизиқарли чиқди? Эҳтимол, тасвирланган воқеалар уларга — Ёқут ўғлонларига яқинмикин!? Уларнинг ҳаёти ҳам маълум жиҳатдан денгиз билан боғлиқ-ку... Лекин спектакл таъсирчан чиқишига яна бир сабаб бор. Ёқут театрида янги, ўзига хос ҳикоя йўлини топишган. Саҳнада қайиқ ҳам бўлади, тўрт киши ҳам, лекин воқеалар фақат қайиқда содир бўлмайди. Спектакл қаҳрамонлари қайиқни тарк этиб, саҳнада кечаги, ундан олдинги ҳаётларидан лавҳаларни намоён этишади. Шу тариқа ҳаёт кўринишлари, бизнинг қаҳрамонлар иштирокида содир бўлган воқеалар тизмаси вужудга келади...

Чингиз Айтматовнинг бу сўзларидан кўриниб турибдики, у адабий асарнинг саҳнадаги ёки экрандаги талқинида янги эстетик йўлларни излашни табиий деб билади, театр ва кино талаб этадиган шакллардан фойдаланишга бўлган уринишни қўллаб-қувватлайди. Шу боис ҳам янги ўзбек видеофилмлари ижодкорлари «Соҳил бўйлаб чопаётган «Олапар» телеасарининг тажрибасидан сабоқ олишлари зарур.

**Ҳамидулла АКБАРОВ**

# КИТОБ — МУРАББИЙ

*Кутубхона — хазина*

«Китоб (битик) — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир», — деган эди, буюк бобокалонимиз Амир Темур. Шарқнинг буюк олиму фозиллари бутун ҳаётлари давомида китоб шайдоси бўлганлар, билим хазинаси бўлмиш кутубхоналар ташкил қилиб, уларда минглаб нодир китоб ва қўлёзмалар сақлаб, уларни мутолаа қилганлар. Зеро, битик ҳамиша азиз. Барча замонларда қадрланган китоб, агар таъбир жоиз бўлса, инсониятни эзгуликка элтувчи йўлчи юлдуздир. Айни пайтда ҳам одамларнинг маънавий дунёсини бойитишда кутубхоналаримизнинг аҳамияти беқиёс. Бугунги кунда А.Абдураҳмонов номидаги Тошкент енгил саноат политехникумининг кутубхонаси ҳам ёш авлодни истиқлол руҳида тарбиялашнинг муқаддас масканларидан бири ҳисобланади.

Тажрибали мутахассис Рита Моисеевна мудирлик қилаётган бу илм хазинаси ўзининг 40 йиллик тарихи давомида қанчадан-қанча илм фидойилари, турли касб эгалари, ўқитувчи ва ўқувчиларга хизмат қилиб келяпти. Бу зиё масканида саксон мингдан зиёд илмий, тарихий, бадиий китоблар, санъат асарлари, дарсликлар, публицистик асарлар жамланган. Кутубхонада ҳар куни юзлаб ўқитувчи, талаба ва ходимларнинг ўз устларида ишлаши, мустақил ижод қилишлари, изланишлари учун барча қулайликларга эга бўлган шинамгина ўқув зали бор. Людмила Леушкина, Раъно Жалилова, Светлана Капустина сингари тажрибали, ширинсўз кутубхоначилар доимо китобхонлар хизматида.

Кутубхонада турли оммавий-ташкилий, тарбиявий-маърифий учрашувлар, савол-жавоб кечалари тез-тез ўтказилиб турилади. Ўтган ўқув йилида Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг юз йиллиги кенг нишонланди, қадимий Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан илмий-назарий анжуманлар уюштирилди. Яқинда буюк сиймо, ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, фалакиётшунос олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейларига бағишлаб савол-жавоб кечалари, давра суҳбатлари ўтказилди.

Куюнчак ходимлар кутубхонада «Буюк саркарда Амир Темур», «Буюк сиймолар», «Ватан ва ёшлар», «Ватандошимиз — Аҳмад Фарғоний», «Ҳадис илмининг билимдони», «Ўтмиш меросимиздан», «Ўзбекистон ва Жаҳон», «Ўлкангиз тарихини биласизми?», «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» каби юксак дид билан безатилган кўргазмали стендлар ҳам ташкил этганлар. Кутубхонанинг ўқув залига кирсангиз тартиб билан қўйилган «Янги китоблар», «Буниси қизиқарли, ўқинг!», «Маънавият ва маърифат» бурчаклари кўзга ташланиб турибди.

Кутубхонанинг фаол аъзоларидан Б.Е.Куцовская, Р.Қалимбетова, Ш.Азимова, Ф.Ҳакимова, О.Тожибоева, С.Муҳитдинов сингари ўқитувчилар И.Алиева, З.Тўтиева, Т.Орипова, Ҳ.Бобораҳимова, Н.Аҳмаджонова каби мактаб ўқувчилари маданий ва маърифий тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Биз фурсатдан фойдаланиб, ушбу маънавият масканида хизмат қилаётган кутубхоначиларнинг келгуси ишларига ривож тилаймиз.

**Рашид БОЙТУЛЛАЕВ**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси давлат Ўлкашунослик музейи директори

**Атагулла ХУДАЙБЕРГЕНОВ**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

# «ТУРКИЯ МАНЗАРАЛАРИ»

*Доимий ҳамроҳ*

*Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг жуда кўп ҳамюртларимиз хорижий мамлакатларда бўлиб қайтишди. Улар орасида олимлардан талабаларгача бўлган турли-туман касб эгалари бор. Ёш адабиётшунос Рустам Шарипов ҳам икки йиллик хизмат сафари билан Туркияда бўлиб, бу мамлакатнинг энг эътиборли ўқув юртларидан бири — Эге университетининг Адабиёт факультетида ишлади.*

*Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган Р. Шариповнинг «Туркия манзаралари» рисоласи ўзбек халқи билан Онадўли турклари ўртасида азалдан мавжуд бўлган тарихий ва маданий алоқалар муаммоси тадқиқига бағишланган бўлиб, унда тарихчи ва адабиётшунос олимларимиз учун фойдали бўлган бир қанча янги маълумотлар ўз аксини топган.*

*Рисоладан жой олган «Онадўли дурдонаси», «Бир дуторнинг икки тори», «Ўзбекистон такяси» мақолаларида Туркия тарихи ва бу мамлакатнинг йирик шаҳарлари, ўзбек ва турк халқларини азалдан бир-бирларига боғлаб келаётган қардошлик риштлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади. «Аҳмад Заки Валидий Тўғон» мақоласида машҳур шарқшунос олим, Европа ва бошқа бир қатор мамлакатлар академияларининг фахрий аъзоси, Истанбул университети профессори ҳаёти ва ижоди билан, шунингдек, унинг «Бугунги Туркэли (Туркистон) ва яқин тарихи» китобидан олиб тайёрланган «Янги ўзбек адабиёти» мақоласи билан танишамиз.*

*Биринчи Жаҳон уруши иштирокчиси, Кавказорти жангларида яраланиб, асир тушган, сўнгра Красноярскдаги тутқун лагеридан қочиб, Туркистонга келган ва бу ерда узоқ вақт мобайнида ўқитувчилик қилган турк зобити Рожи Чақирўз ҳақидаги маълумотлар ҳамда унинг «Турк дунёси» журналида (1987) эълон қилинган хотиралари таржимаси рисоланинг энг қимматли қисмини ташкил этади. «Хотиралар»да XX аср бошларидаги Туркистон манзаралари, ўша даврдаги Тошкент, Бухоро, Чоржўй каби шаҳарларда юзага келган сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт ҳақида қимматли маълумотлар ўз аксини топган.*

*«Туркия манзаралари» рисоласи 500 нусхада чоп этилган. Китоб масъул муҳаррири филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов.*

